

Вилоят ҳокимининг
2016 йил " 9 " июндаги
164-Қ " -сон қарорига
6-илова

**Вилоят ҳокимининг ўз кучини йўқотган деб эътироф этилаётган айрим қарорлари
рўйхати**

1. Вилоят ҳокимининг 2013 йил 7 январдаги 12-Қ-сонли "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 30 декабрдаги 378-сонли "Интерактив давлат хизматлари кўрсатишни ҳисобга олган ҳолда Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Хукумат портали фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" қарори ижросини таъминлаш ҳақида"ги қарори 2-бандининг биринчи хатбоши, шунингдек қарорга 1-илова ҳамда 2-илова 2-бандининг "в" кичик банди ва 3-бандининг "в" кичик банди.

2. Вилоят ҳокимининг 2013 йил 17 августдаги 182-Қ-сонли "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 15 августдаги 225-сонли "Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги руҳсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида"ги қарори ижросини таъминлаш ҳақида"ги қарорининг 1-илосига асосан тасдиқланган Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги руҳсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар рўйхатининг 210-банди.

3. Вилоят ҳокимининг 2015 йил 12 мартдаги 67-Қ-сонли "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 6 мартдаги 50-сон "Вазирлар Маҳкамасининг "Интерактив давлат хизматлари кўрсатишни ҳисобга олган ҳолда Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Хукумат портали фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2012 йил 30 декабрдаги 378-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қарорини ижросини таъминлаш ҳақида"ги қарорига илованинг 3-банди.

**Ўзбекистон Республикаси
Samarqand viloyati
HOKIMI
QARORI**



**РЕШЕНИЕ
ХОКИМА
Самаркандской области
Республики Узбекистан**

2016 у.г. « 9 » июнь № 164-Қ

Samarqand sh., – г. Самарканд

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил
3 июндаги 188-сонли "Электрон ҳукумат тўғрисида"ги Ўзбекистон
Республикасининг Қонунини амалга оширишни давом эттириш
чора-тадбирлари ҳақида"ги қарори тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасининг "Электрон ҳукумат тўғрисида"ги ва "Ўзбекистон Республикасининг айрим ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 3 июндаги 188-сонли "Электрон ҳукумат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунини амалга оширишни давом эттириш чора-тадбирлари ҳақида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 3 июндаги 188-сонли "Электрон ҳукумат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунини амалга оширишни давом эттириш чора-тадбирлари ҳақида"ги қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мазкур қарори билан:

Қуйидагилар:

Ягона интерактив давлат хизматлари портали ва давлат органларининг расмий веб-сайтлари орқали Электрон давлат хизматлари кўрсатиш тартиби тўғрисидаги Низом 1-иловага мувофиқ;

Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Хукумат портали тўғрисидаги Низом 2-иловага мувофиқ;

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI HOKIMI
Samarqand viloyati HOKIMI
Samarqand viloyati HOKIMI QARORI
23-08-01/252
16 19 2016

«Давлат хизматлари, шакллар ва бланкаларнинг ЯГОНА РЕЕСТРИ»

Давлат хизматининг номи	Давлат хизматининг номи	Давлат хизматининг номи	Давлат хизматининг номи	Давлат хизматининг номи	Давлат хизматининг номи	Давлат хизматининг номи	Давлат хизматининг номи	Давлат хизматининг номи	Давлат хизматининг номи	Давлат хизматининг номи	Давлат хизматининг номи	
Давлат хизматининг номи	Давлат хизматининг номи	Давлат хизматининг номи	Давлат хизматининг номи	Давлат хизматининг номи	Давлат хизматининг номи	Давлат хизматининг номи	Давлат хизматининг номи	Давлат хизматининг номи	Давлат хизматининг номи	Давлат хизматининг номи	Давлат хизматининг номи	
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13

Изоҳ: Давлат хизматлари, шакллар ва бланкаларнинг ягона реестри давлат хизматлари пўрчисидagi бошқа маълумотларни ҳам ўз ичига олиши мумкин.

Вилоят ҳокимининг 2016 йил 9-июндаги 104-сонли қарорига 1-илова

Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 3-июндаги 188-сонли қарори билан тасдиқланган

Ягона интерактив давлат хизматлари портали ва давлат органларининг расмий веб-сайтлари орқали Электрон давлат хизматлари кўрсатиш тартиби тўғрисида Низом

I. Умумий қондалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг «Ахборотлаштириш тўғрисида» ва «Электрон ҳукумат тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда давлат хизматлари кўрсатувчи бошқа ташкилотлар (кейинги ўринларда давлат органлари деб аталади)нинг Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда Ягона портал деб аталади), давлат органларининг расмий веб-сайтлари орқали электрон давлат хизматлари кўрсатишда жисмоний ва юридик шахслар (кейинги ўринларда ариза берувчилар деб аталади) билан ҳамкорлик қилиш тартибини белгилайди.

Ушбу Низомнинг амал қилиши давлат органларининг ариза берувчилар билан узокдан ҳамкорлик қилишини таъминловчи бошқа тизимларга ҳам татбиқ этилади.

2. Электрон давлат хизматлари кўрсатиш қуйидагиларга йўналтирилган: бутун мамлакат ҳудудида ариза берувчилар учун электрон ҳукумат доирасида давлат органлари билан ўзаро муносабатларни амалга ошириш имкониятларини яратиш; ариза берувчилар билан ўзаро муносабатларни амалга оширишда давлат бошқаруви тизимида «ягона дарча» принципини жорий қилиш;

давлат хизматлари кўрсатишнинг ошқора ва умумфойдаланадиган механизмларини яратиш, уларни кўрсатиш мuddатларини қисқартириш ва ижро этиш тартибини марказлаштирилган ҳолда назорат қилиш йўли билан давлат хизматлари кўрсатиш сифатини ошириш;

давлат хизматлари олишда аҳоли, тадбиркорлик субъектлари ва давлат органларининг харажатларини қисқартириш.

II. Асосий тушунчалар ва атамалар

3. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилган: сўров – ариза берувчининг давлат хизмати кўрсатиш учун давлат органига юбориладиган талаби;

ндоралараро электрон ҳамкорлик – давлат органлари ўртасида ахборот-коммуникация технологиялари воситасида маълумотлар алмашиш;

электрон давлат хизмати регламенти – электрон давлат хизмати кўрсатиш тартиби ва унга қўйиладиган талабларни белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат;

Электрон давлат хизматларининг ягона реестри – Давлат хизматлари, шакллари ва бланкаларининг ягона реестри таркибда шакллантириладиган ҳамда Ягона интерактив давлат хизматлари порталида эълон қилинадиган электрон давлат хизматларининг тўлиқ рўйхатини, шунингдек ушбу Низомга мувофиқ бошқа ахборотни ўз ичига олган Интернет тармоғидаги очик ва ўмумфойдаланадиган ахборот ресурси;

Давлат ахборот ресурслари ва давлат органларининг ахборот тизимлари реестри – давлат ахборот ресурслари ва ахборот тизимлари рўйхатини ҳамда қонун ҳужжатларига мувофиқ улар тўғрисидаги ахборотни ўз ичига оладиган Интернет тармоғидаги очик ва умумфойдаланадиган ахборот ресурси;

Фойдаланувчиларни идентификация қилиш ягона ахборот тизими (Ягона идентификация қилиш тизими) – жисмоний ва юридик шахсларни ҳақиқий идентификация

телекоммуникациялар, телерадиозиттириш, радиомониторингнинг техник воситаларини, дастурий махсулотларни ривожлантиришда иштирок этади”;

еттинчи хатбошига “коммуникацияларни” сўздан кейин “шунингдек электрон ҳукуматни” сўзлари қўшилсин;

саққизинчи хатбошидаги “Электрон ҳукумат” тизимини жорий этиш” сўзлари “электрон ҳукуматни япада ривожлантириш” сўзлари билан алмаштирилсин;

тўққизинчи хатбошидаги “давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларида, маҳаллий давлат ҳокимияти органларида фойдаланиладиган телекоммуникациялар тармоқлари ва ахборот тизимлари интеграциясини” сўзлари “ахборот тизимлари ва ахборот ресурсларини, шунингдек давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан кўрсатиладиган электрон давлат хизматларини, жорий этиш, ривожлантириш ва интеграциясини” сўзлари билан алмаштирилсин;

ўнинчи хатбоши кўйидаги тахрирда баён қилинсин:

“фан ва маркестинг тадқиқотлари, маъмурий тартиб-таомилларни такомиллаштириш ҳамда электрон давлат хизматлари кўрсатишда давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳужжатларини бирхиллаштириш, ахборот-коммуникация технологиялари ва давлат хизматлари, алоқа тармоқлари ва хизматларини, стандартлар ва техник шартларни ривожлантириш мониторингини олиб бориш, ахборот технологиялари ва коммуникацияларни, телекўрсатувлар ва радиозиттиришларни ривожлантиришнинг мамлакат ва жаҳон анъаналарини, радиочастота спектридан фойдаланишни ўрганиш ва таҳлил қилиш ишларини ташкил этади”;

ўн иккинчи хатбошидаги “жорий этиш ва” сўзлари чиқариб ташлансин;

ўн тўртинчи хатбошидаги “коммуникациялар” сўзи “электрон ҳукумат коммуникациялари” сўзлари билан алмаштирилсин;

ўн бешинчи хатбоши кўйидаги тахрирда баён қилинсин:

“умумий техник регламентларни ва давлат стандартларини ишлаб чиқади ва тасдиқлаш учун белгиланган тартибда тақдим этади, халқаро стандартларни давлат стандартлари сифатида қабул қилиш ишларини ташкил этади, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан кўрсатиладиган электрон давлат хизматлари регламентларини келишди, мамлакатнинг ягона ахборот маконини шакллантириш ва “Электрон ҳукумат” тизимини ривожлантириш учун махсус техник регламентларни ва норматив ҳужжатларни, радиоелектрон воситаларга ва юқори частотали қурилмаларга, телекоммуникациялар воситаларига ва ахборот-коммуникация технологияларига қўйиладиган талабларни ишлаб чиқади ва тасдиқлайди”;

ўн еттинчи хатбошидаги “Электрон ҳукумат тизимини жорий этиш” сўзлари “электрон ҳукумат” сўзлари билан алмаштирилсин;

“б” кичик бандда:

учинчи хатбоши кўйидаги тахрирда баён қилинсин:

“давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятида “электрон ҳукумат” лойиҳаларини амалга ошириш самарадорлигининг мақсадли кўрсаткичларига эришиш даражасини, ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантиришнинг ҳолатини таҳлил қилиш ва баҳолашни, шунингдек NIS.UZ идоралараро автоматлаштирилган ахборот тизимида тақдим этиладиган ахборотнинг сифати ва ишончлилигини таъминлайди, кейинчалик уларни такомиллаштириш юзасидан аниқ тавсиялар ва таклифларни тайёрлайди”;

тўртинчи хатбоши кўйидаги тахрирда баён қилинсин:

“давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва улардан фойдаланиш самарадорлиги индикаторларини, улар томонидан кўрсатиладиган электрон давлат хизматлари сифати ва электрон давлат хизматлари кўрсатиш тартибини такомиллаштириш даражасини, шунингдек электрон давлат хизматлари кўрсатувчи давлат органларининг бир-бири билан ўзаро ҳамкорлиги даражасини баҳолаш мезонлари ва механизмларини ишлаб чиқади”;

ўрта – ҳақиқий шахсий маълумотлар тақдим этилишини талаб қиладиган хизматлар; юқори – уларни кўрсатиш учун сўровлар электрон рақамли имзодан фойдаланиб юбориладиган хизматлар.

Давлат органлари Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (кейинги ўринларда Вазирлик деб аталади) билан келишув бўйича электрон давлат хизматлари кўрсатиш учун зарур бўлган ариза берувчиларнинг ҳақиқийлик даражасини белгилайди.

IV. Электрон давлат хизматлари кўрсатиш тартиби

13. Электрон давлат хизматлари фойдаланиш учун қулай бўлиши ва ариза берувчиларнинг эҳтиёжлари ҳамда манфаатларига мос келиши керак.

14. Давлат органлари ариза берувчиларнинг электрон давлат хизматларидан қафолатланган ва ҳавфсиз фойдалана олишларини таъминлайди.

15. Электрон давлат хизматлари кўрсатиш жараёнида тақдим этиладиган ахборот долзарб, ишончли бўлиши ва рухсатсиз фойдалана олиш, чиқиб кетиши, йўқ қилиниши, бузиб кўрсатилиши, блокировка қилинишидан ҳимояланган бўлиши керак.

16. Электрон давлат хизмати учун сўровни қабул қилиш ва унга жавоб юбориш Ягона портал, давлат органларининг расмий веб-сайтлари, шунингдек давлат органларининг ариза берувчилар билан узоқдан ҳамкорлик қилишни таъминловчи бошқа тизимлар орқали давлат органлари томонидан амалга оширилади.

Электрон давлат хизматини кўрсатиш учун сўровни кўриб чиқиш ва қайта ишлаш, уни кўрсатиш натижасини сақлаш идоралараро ва идоравий ахборот тизимларидан, шу жумладан ахборот ресурслари ва маълумотлар базаларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

17. Ягона портал ва давлат органларининг расмий веб-сайтлари орқали юбориладиган ариза берувчиларнинг электрон шаклдаги сўровларини кўриб чиқиш сўровлари ариза берувчи ёки унинг вақилининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланган бўлиши ва қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга жавоб бериши керак.

18. Ариза берувчи ўзининг мурожаатини кўриб чиқиш натижаси тўғрисидаги жавобни олиш шаклини танлаш ҳуқуқига эга.

Ариза берувчи сўровда жавобни электрон шаклда юбориш талабини кўрсатган тақдирда мурожаатга юборилган жавоб давлат органи раҳбари ёки бошқа ваколатли мансабдор шахснинг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланиши керак.

19. Давлат органларининг электрон давлат хизматлари кўрсатиш давомида фойдаланиладиган ахборот тизимлари электрон ҳукуматнинг ифратузиялмаси билан интеграциялашган бўлиши ва қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга жавоб бериши керак.

20. Электрон давлат хизмати кўрсатиш тартиби ва унга қўйиладиган талаблар электрон давлат хизматининг регламентида белгиланади.

Электрон давлат хизмати регламенти Вазирлик билан келишувга кўра давлат хизматини кўрсатиш натижасини тақдим этувчи давлат органи томонидан ишлаб чиқилади.

21. Электрон давлат хизмати регламенти:

электрон давлат хизмати кўрсатиш жараёнида бир нечта давлат органлари иштирок этган тақдирда – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан;

ариза берувчидан сўровни қабул қилиш, сўровни кўриб чиқиш ва қайта ишлаш, натижани сақлаш ва жавоб юбориш битта давлат органи томонидан амалга оширилган тақдирда – тегишли давлат органи томонидан тасдиқланади.

22. Электрон давлат хизмати регламенти тартиби белгиланаётган давлат хизматларининг номлари тўғрисидаги ахборотни ўз ичига олиши, шунингдек уни кўрсатиш барча тартиботларини, жумладан кўйидагиларни тавсифлаши:

а) ариза берувчидан сўровни қабул қилиш тартиботи қисмида:

электрон давлат хизмати кўрсатиладиган шахслар топчаси;

сўровни бериш усули;

сўровда кўрсатиладиган маълумотлар (аризадаги маълумотлар рўйхати, ариза бланкаси);

"д) давлат ва ҳўжалик-бошқаруви органлари; маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг бўлажак ва ўтказилган оммавий тадбирлари (мажлислар, йиғилишлар, учрашувлар, матбуот конференциялари, семинарлар ва брифинглар, давра суҳбатлари, расмий ташрифлар) тўғрисидаги маълумотлар, кундалик фаолияти тўғрисидаги бошқа ахборотлар";

қуйидаги мазмундаги "р" кичик банд қўшилсин:

"р) сайтдан фойдаланиш, шунингдек сайтдаги мавжуд атамаларнинг аҳамияти бўйича йўриқнома";

в) 2-бандда:

биринчи хатбошидаги "базавий ахборот" сўзлари "электрон давлат" сўзлари билан алмаштирилсин;

"а" кичик бандга "қунлари" сўзидан кейин "шунингдек соатлари" сўзлари қўшилсин;

"в" кичик банд қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

"в) давлат хизматларидан фойдаланиш учун зарур бўлган шакллар ва бланка шунингдек бошқа ахборот (банк реквизитларидаги, манзиллардаги ва шу кабилардаги), шунингдек давлат ва ҳўжалик бошқаруви органи, маҳаллий давлат ҳокимияти органининг эркин қўчириш учун статистика ҳисоботи";

"г" ва "и" кичик бандларга "шикоятлари" сўзидан кейин "давлат ва ҳўжалик бошқаруви органи, маҳаллий давлат ҳокимияти органининг фаолияти тўғрисида маълумот олишга сўровлари" сўзлари қўшилсин;

"м" кичик банд қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

"м) "Электрон давлат хизматлари" ва "Очик маълумотлар" алоҳида бўлимлари;

"н" кичик бандга "автоматлаштирилган форматлари" сўзларидан кейин "(шу жумладан SMS юбориш йўли билан)" сўзлари қўшилсин;

қуйидаги мазмундаги "р" кичик банд қўшилсин:

"р) уларни қўрсатиш давлат органи ваколатига кирадиган давлат хизматлари қўрсатилган ҳолда Давлат хизматлари, шакллари ва бланкалари ягона реестридан қўчирма ёки бундай ахборот мавжуд бўлган Давлат хизматлари ягона реестрига ҳавола";

г) 4-банднинг иккинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

"Электрон давлат хизматлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда пулли асосда қўрсатилиши мумкин";

д) 12-банднинг "б" кичик бандидаги "ҳақ тўлаш имконияти" сўзлари "ҳақ тўлаш ва тасдиқлаш имконияти" сўзлари билан алмаштирилсин.

9. Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 апрелдаги 87-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2015 й., 4-сон, 27-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги тўғрисидаги Низомда:

а) 4-бандга қуйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши қўшилсин:

"электрон ҳукумат соҳасидаги ваколатли орган томонидан";

тўртинчи-саккизинчи хатбошилар тегишли равишда бешинчи-тўққизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

б) 10-бандда:

"а" кичик бандда:

иккинчи хатбошидаги "Электрон ҳукумат" тизимини жорий этиш" сўзлари "электрон ҳукумат" сўзлари билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги учинчи хатбоши қўшилсин:

"электрон ҳукуматни янада ривожлантиришнинг устувор йўналишларини аниқлаш ва электрон ҳукумат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича тақлифларни ишлаб чиқиш";

учинчи-олтинчи хатбошилар тўртинчи-еттинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

олтинчи хатбошидаги "Электрон ҳукумат" тизимини жорий этиш соҳасида" сўзлари "электрон ҳукуматни ривожлантиришда" сўзлари билан алмаштирилсин;

ариза берувчиларнинг сўровларини ҳисобга олиш, шунингдек давлат органлари томонидан электрон давлат хизматларининг ўз вақтида ва сифатли тақдим этилиши мониторингини амалга ошириш.

31. Ариза берувчиларнинг Ягона порталдан фойдалана олишлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибга мувофиқ Ягона идентификация қилиш тизими воситасида амалга оширилади.

VI. Электрон ҳужжатлар репозиторийси

32. Давлат органларидан олинган маълумотлар асосида электрон давлат хизмати қўрсатиш натижаси электрон ҳужжат шаклида тақдим этилиши мумкин.

Ягона порталда шакллантирилган электрон ҳужжатлар Электрон ҳужжатлар репозиторийсида сақланади.

33. Электрон ҳужжатлар репозиторийсида сақланадиган электрон ҳужжатлар белгиланган тартибда шакллантирилади ва қуйидаги реквизитларга эга бўлади:

давлат органи масъул шахсининг Ф.И.О, лавозими ва электрон рақамли имзоси;

давлат органининг номи, почта ва электрон манзили;

электрон ҳужжат яратилган сана;

зарур бўлганда, электрон ҳужжатнинг амал қилиш муддати;

электрон давлат хизмати қўрсатиш натижасида олинган маълумотлар;

электрон ҳужжатнинг ноёб идентификация рақами.

34. Ягона портал электрон ҳужжатнинг қоғозли манбадаги нусхаларини шакллантириш имконини беради.

Электрон ҳужжатнинг қоғозли манбадаги нусхаси қуйидагиларни ўз ичига олади:

электрон давлат хизмати қўрсатувчи давлат органининг номи, почта ва электрон манзили;

электрон ҳужжат яратилган сана;

зарур бўлганда, электрон ҳужжатнинг амал қилиш муддати;

электрон давлат хизмати қўрсатиш натижасида олинган маълумотлар;

электрон ҳужжатнинг ноёб идентификация рақами;

ҳужжатнинг ҳақиқийлигини текшириш учун ахборот жойлашган машина ўқийдиган зона.

35. Электрон ҳужжатларнинг қоғозли манбадаги нусхалари давлат хизматлари олиш учун анъанавий сўровда уларни ариза берувчилар томонидан тақдим этиш учун мўлжалланган (шахсан келиб, почта ёки факсимиль алоқа орқали).

36. Давлат органлари Ягона порталга электрон ҳужжатнинг ноёб идентификация рақамини киритиш йўли билан ёки машина ўқийдиган зонадаги ахборот орқали ариза берувчилардан олинган электрон ҳужжатларнинг қоғозли манбадаги нусхаларининг ҳақиқийлигини текшириш ва улар бўйича маълумотлар олиш имкониятига эга бўлади.

37. Давлат органлари идоравий ахборот тизимларидан тақдим этиладиган ахборотнинг ҳақиқийлиги ва долзарблигини таъминлайди.

38. Вазирлик Ягона порталда шакллантирилган электрон ҳужжатлардаги ахборотнинг бузиб қўрсатилишига йўл қўймаслик чораларини қўради ва идоравий ахборот тизимларидан олинган электрон шаклдаги ахборотнинг мувофиқлигини таъминлайди.

39. Электрон ҳужжатлардаги маълумотлар қонуний ҳисобланади. Давлат органларига Ягона порталда шакллантирилган электрон ҳужжатларнинг нусхаларини қабул қилишни рад этишлари қатъиян тақиқланган.

VII. Яқинловчи қондалар

40. Электрон давлат хизматлари қўрсатиш тартибига риоя этилишини назорат қилиш Вазирлик ҳузуридаги Алоқа, ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси томонидан амалга оширилади.

41. Давлат органларининг раҳбарлари электрон хизматлар қўрсатилишини асоссиз рад этиш ва уларнинг сифатсиз тақдим этилиши учун жавобгар ҳисобланади.

42. Ариза берувчилар нотўғри маълумотлар тақдим этганлиги, электрон давлат хизматлари қўрсатиш учун тухмаг ва ҳақоратлардан иборат сўровлар берганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

"13-Агар давлат солиқ хизмати органлари ушбу Тартибнинг 10-бандида назарда тутилган муддатда ҳўжалик юритувчи субъектни назорат-касса машинасининг рўйхатдан ўтказиш карточкасини бериш рад этилганлигидан хабардор қилмаган ёки назорат-касса машинасининг рўйхатдан ўтказиш карточкасини бермаган тақдирда, ҳўжалик юритувчи субъект давлат солиқ хизмати органларини ёзма равишда хабардор қилиб назорат-касса машинасини қўлгадан ҳолда аҳоли билан нақд пулли ҳисоб-китоб килиб товарларни сотиш, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлади.

Назорат-касса машинасининг рўйхатдан ўтказиш карточкаси олингунга қадар тақдим этилган ҳужжатларнинг қабул қилинган сана тўғрисида белги қўйилган рўйхати ва ҳўжалик юритувчи субъект томонидан давлат солиқ хизмати органларига юборилган ёзма ёки ахборот тизими орқали электрон шаклдаги билдиришнома руҳсат берувчи хусусиятга эга бўлган ҳужжатга тенглаштирилади ва назорат-касса машинасини қўлгадан ҳолда аҳоли билан нақд пулли ҳисоб-китоб килиб товарларни сотиш, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш учун ҳисобланади.

Бунда давлат солиқ хизмати органлари ҳўжалик юритувчи субъектнинг ёзма ёки ахборот тизими орқали электрон шаклдаги билдиришномаси олингандан кейин бел иш кунидан кеч бўлмаган муддатда назорат-касса машинасининг рўйхатдан ўтказиш карточкасини бериши шарт";

д) 21-банддаги ва 32-банднинг биринчи хатбошидаги "электрон шаклда" сўзларидан олдин "ахборот тизими орқали" сўзлари қўшилсин;

е) 1-иловада:

биринчи босқичнинг "Тадбирлар" устунининг 2-бандига "электрон шаклда" сўзларидан олдин "ахборот тизими орқали" сўзлари қўшилсин;

учинчи босқич "Тадбирлар" устунининг 2-бандига "ёзма шаклда" сўзларидан кейин "ёки ахборот тизими орқали электрон шаклда" сўзлари қўшилсин.

7. Вазирлар Маҳкамасининг "Интерактив давлат хизматлари кўрсатишни ҳисобга олган ҳолда Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат портали фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2012 йил 30 декабрдаги 378-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2012 й., 12-сон, 95-модда) 2-банди қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

"2. Ягона портал:

жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари хизматлари ва функциялари тўғрисидаги маълумотлардан фойдаланишини;

жисмоний ва юридик шахсларнинг электрон давлат хизматларидан фойдаланиши учун зарур бўлган аризалар шакллари, бланкалар ва бошқа ҳужжатлардан, шу жумладан элект тарзда тўлдириш учун фойдаланишини;

ариза берувчилар томонидан давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек бошқа ташкилотлар билан тескари алоқани амалга ошириш имкониятини;

электрон давлат хизматларидан фойдаланиш учун зарур бўлган аризалар ва бошқа ҳужжатларни электрон тарзда қабул қилишни;

жисмоний ва юридик шахсларнинг Ягона портал фаолияти билан боғлиқ сўровлари ва мурожаатларини ҳисобга олиш, шу жумладан давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотларнинг интерактив давлат хизматлари кўрсатиш сифати мониторинги олиб борилишини таъминлайди".

8. Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикасида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ҳолатини баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида" 2013 йил 31 декабрдаги 355-сон қарориди:

а) 1-илова матни қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

III. Порталдаги ахборотнинг мазмунига қўйиладиган талаблар

4. Қуйидагилар тўғрисидаги ахборотнинг мавжуд ва ишончли бўлиши Порталдаги ахборотнинг мазмунига қўйиладиган асосий талаблар ҳисобланади:

Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаёти тўғрисида;

республиканинг давлат тузилиши таркиби, республиканинг давлат, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий бошқарув институтлари тўғрисида;

давлат органларининг фаолияти, шунингдек тузилмаси, вазифалари, функциялари ҳуқуқлари ва алоқалари тўғрисида;

юридик ва жисмоний шахслар учун руҳсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш ёки олиш шартлари, шакллари, бланкалари, тартиби ва тартиботлари тўғрисида;

кўрсатиладиган электрон давлат хизматлари тўғрисида;

давлат органларида ахборот-коммуникация технологияларининг жорий этилиши тўғрисида;

мамлакатдаги муҳим воқеалар тўғрисида, фотоархив, давлат органларининг турли тузилмалардан олинган тадбирлар ҳақидаги маълумотларнинг қисқача мазмуни;

давлат органларининг очиқ маълумотлари тўғрисида;

аҳоли, тадбиркорлик субъектлари томонидан муҳокама этилиши ва таклифлар киритилиши мақсадида жойлаштирилган ишлаб чиқилаётган (ишлаб чиқилган) норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида;

бошқа умумий фойдаланиладиган маълумотлар тўғрисида.

IV. Портални ахборот билан таъминлашни ташкил этиш тартиби

5. Қуйидагилар Порталга жойлаштириш учун ахборот манбалари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган рўйхатга мувофиқ Вазирлар Маҳкамасининг Ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари бўйича ахборот-таҳлил департаменти, давлат органларининг ахборот хизматлари томонидан тақдим этиладиган ахборот;

оммавий ахборот воситаларидан, шу жумладан электрон оммавий ахборот воситаларидан олинган ахборот;

давлат органларининг Порталда мажбурий эълон қилиниши керак бўлган очиқ маълумотлари тўпламларининг рўйхатига асосан ахборот;

конун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа манбалар.

6. Порталга жойлаштириш учун тақдим этилаётган ахборот таркибида Ўзбекистон Республикасининг давлат сирини бўлган маълумотлар ёхуд конун ҳужжатларига мувофиқ фойдаланилиши чекланган бошқа маълумотлар бўлмаслиги керак.

Давлат органларининг ахборот материалларини Порталда жойлаштиришга руҳсатни раҳбар ёки раҳбар томонидан ўрнатилган тартибда белгиланган бошқа шахс беради.

7. Порталга жойлаштириш учун тақдим этилаётган ахборот долзарб, яхлит, мавзули блоклар бўйича аниқ таркибга эга ва тақсимланган бўлиши керак.

8. Порталдаги ахборот Ўзбекистон Республикасининг давлат тилида тақдим этилиши керак. Шу билан бирга, Портал ахборотнинг рус, инглиз ва бошқа тиллардаги мазмунан бир хил ёки қисқартирилган версияларига эга бўлиши мумкин.

V. Портал ишини ташкил этиш

9. Портал ишлашига техник хизмат кўрсатиш Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг «Ўзинфоком» компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ва жорий этиш маркази тузилмасида ўрнатилган Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикаси Ҳукумат порталини ахборот билан таъминлаш ва ривожлантириш гуруҳи (кейин ўринларда Гуруҳ деб аталади) томонидан амалга оширилади. Портал доирасида ишлайдиган ахборот ресурслари (веб-сайтлар)ни техник кузатиб бориш ва ахборот билан таъминлаш бўйича масъул давлат органлари Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг қарори билан белгиланади.

10. Қуйидагилар Гуруҳнинг асосий вазифалари ва функциялари ҳисобланади:

шунингдек Ўзбекистон Республикаси Ахборот-технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг расмий веб-сайтида” сўзлари қўшилсин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг “Ахборотлаштириш соҳасида норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш тўғрисида” 2005 йил 22 ноябрдаги 256-сон қароридан (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2005 й., 11-сон, 62-модда):

а) Давлат ахборот ресурсларини шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низомда:

15-банд куйидаги тахрирда баён қилинсин:

“15. Давлат ахборот ресурслари ўзаро ахборот-технологик мосликни таъминлаши ва идораларо электрон ҳамкорликни таъминлаш мақсадида электрон ҳукуматнинг марказий маълумотлар базаси билан билан интеграциялаш имконига эга бўлиши зарур”;

19-банднинг биринчи хатбоши куйидаги тахрирда баён қилинсин:

“Электрон давлат хизматлари кўрсатишга жалб этилган давлат ахборот ресурслари ҳисобга олиниши ва рўйхатдан ўтказилиши шарт”;

20-банднинг иккинчи хатбоши куйидаги тахрирда баён қилинсин:

“Бунда фойдаланувчини аутентификация қилмасдан ва ҳисобга олмастан ҳамма фойдаланиши мумкин бўлган давлат ахборот ресурсларидан эркин фойдаланиш имкони берилди, ҳамма фойдаланадиган ахборот ресурсларида мавжуд бўлган ҳамда фойдаланувчининг ўзининг шахсий маълумотлари бўлмаган жисмоний шахслар тўғрисида маълумотлар олиши ва улардан фойдаланиши бундан мустасно”;

куйидаги мазмундаги 21¹-банд қўшилсин:

“21¹. Электрон давлат хизматлари кўрсатишга жалб этилган давлат ахборот ресурслари ҳамда электрон ҳукуматнинг марказий маълумотлар базалари билан ўзаро ҳамкорлиги “Электрон ҳукумат” тизимининг идораларо интеграция платформаси орқали амалга оширилади”;

30-банднинг тўртинчи хатбоши куйидаги тахрирда баён қилинсин:

“ахборот олиш ҳуқуқига эга бўлмаган шахсларга ахборот олиш имкони берилиши, шунингдек жисмоний шахсларнинг шахсий маълумотлари мавжуд бўлган ахборотлар тўғрисидаги маълумотларнинг тегишли жисмоний шахсларнинг руҳсатисиз тарқатилиши”;

б) Давлат органларининг ахборот тизимларини яратиш тартиби тўғрисидаги Низомда:

3-банд куйидаги тахрирда баён қилинсин:

“3. Давлат органларининг ахборот тизимларини яратишнинг мақсади улар фаолияти самарадорлигини, тезкорлигини ва ошқоралигини ошириш, улар томонидан кўрсатиладиган электрон давлат хизматлари кўрсатиш спектрини кенгайтириш ва сифатияи ошириш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш ҳисобига давлат бошқа органлари, юридик ва жисмоний шахслар билан идораларо электрон ҳамкорликни ташкил этишдан иборат”;

4-банд куйидаги тахрирда баён қилинсин:

“4. Давлат хизматлари кўрсатишда, давлат органлари бошқа функцияларини бажаришда зарур бўлган ахборотларни излаш, олиш, қайта ишлаш, туркумлаштириш ва тарқатиш жараёнларини жадаллаштириш ва синхронлаштириш, янги эҳтиёжларни ўз вақтида қондириш ҳамда пайдо бўладиган имкониятларни тезда баҳолаш ишларини давом эттириш, шунингдек давлат органининг барча таркибий бўлинмалари фаолияти самарадорлигини, бошқарувчанлигини ошириш, уяни мувофиқлаштириш давлат ахборот тизимидан фойдаланишнинг асосий мақсади ҳисобланади”;

5-бандда:

куйидаги мазмундаги олтинчи хатбоши қўшилсин:

“идораларо электрон ҳамкорликни таъминлаш учун “Электрон ҳукумат” тизимининг идораларо интеграция платформаси билан интеграциялаш имкониятини”;

олтинчи-тўққизинчи хатбошилар тегишли равишда еттинчи-ўнинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

6-банднинг тўққизинчи хатбошидаги “ахборотлар берилишини” сўзлари “электрон давлат хизматлари кўрсатилишини” сўзлари билан алмаштирилсин;

Порталда уларнинг ишларини ёритиш мақсадида тадбирларда (давлат органларининг матбуот анжуманлари, брифинглари, очиқ хайъат мажлислари, ўқув семинарлари ва шу кабилар) мунтазам иштирок этиш;

тақдим этилган ва шакллантирилган ахборотни узатиш, қайта ишлаш, эълон қилиш ва сақлаш жараёнида унинг яхлитлигини сақлаш;

Интернет тармоғи фойдаланувчилари учун Порталдан узлуксиз фойдаланиш имкониятини таъминлаш;

Портални янада ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича ушбу Низомга зид бўлмаган тадбирларни, шу жумладан техникавий тадбирларни амалга ошириш;

Интернет тармоғи фойдаланувчилари томонидан Порталнинг зарурлиги ва самарадорлиги тўғрисида жамоатчилик фикр-мулоҳазаларини ўрганиш асосида кўрсатилаётган электрон давлат хизматларини яхшилаш бўйича таклифларни шакллантириш;

Портал фаолиятини ва кўрсатилаётган электрон давлат хизматларини хар чоракда камида бир марта оммавий ахборот воситаларида ёритиш.

VI. Жавобгарлик

12. Гуруҳ ахборотнинг Ҳукумат порталида ва унинг доирасида амал қилувчи бошқа ахборот ресурсларида (веб-сайтларда) ўз вақтида жойлаштирилиши, шунингдек ушбу Низомда назарда тутилган вазибаларнинг бажарилиши учун жавобгар бўлади.

13. Қонун ҳужжатларига мувофиқ Порталда жойлаштириш учун тақдим этиладиган ахборотнинг ишончлилиги, мазмуни ва ўз вақтида тақдим этилиши учун тегишли ташкилотлар жавобгар бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги "Ўзинфоком" компьютер ва технологияларини ривожлантириш ва жорий қилиш марказининг Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикаси Ҳукумат порталини ахборот билан таъминлаш ва ривожлантириш гуруҳининг ташкилий тузилмаси 3-иловага мувофиқ тасдиқланганлиги;

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги бир ой муддатда "Ўзинфоком" компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ва жорий қилиш марказининг Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикаси Ҳукумат порталини ахборот билан таъминлаш ва ривожлантириш гуруҳини зарур моддий-техника базаси билан таъминлаши;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 4-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганлиги;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 5-иловага мувофиқ баъзи қарорлари ўз кучини йўқотган деб эътироф этилганлиги;

Вазирлик ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштиришлари маълумот учун қабул қилинсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг мазкур қарори қабул қилиниши муносабати билан вилоят ҳокимининг 6-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб эътироф этилсин.

4. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Ҳ.Оқбутаев зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



З.Мирзаев

Вилоят ҳокимининг 2016 йил 9-июндаги 184-сонли қарорига 5-илова

Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 3-июндаги 188-сонли қарори билан тасдиқланган

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган деб эътироф этилаётган айрим қарорлари рўйхати

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат ва ҳўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро ҳамкорлигини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 23 августдаги 181-сон қарори 1-бандининг иккинчи хатбоши (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2007 йил, 8-сон, 50-модда), шунингдек қарорга 1-илова.
2. Вазирлар Маҳкамасининг «Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат порталини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 17 декабрдаги 259-сон қарорининг 1 ва 2-бандлари (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2007 йил, 12-сон, 71-модда), шунингдек қарорга 1 ва 2-иловалар.
